

Барча юртдошларимизни Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи куни билан табриклаймиз!



Бугун 18 ноябрь, 1991 йил “Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи” тўғрисида қонун қабул қилинган кун. Ушбу муҳим сана – қутлуғ кун билан барча ҳамюртларимизни табриклаймиз!

Давлат байроғи мадҳиямиз ва гербимиз билан бирга давлат суверенитети ва мустақиллигининг рамзидир.

Давлатимиз байроғи бугун ва келажакимизнинг ўтмиш билан чамбарчас боғлиқлигини, ўзбек миллатининг буюк маданий ва тарихий қадриятларимизни, бой давлатчилик анъаналарини сақлашга ва уларни ривожлантиришга содиқлигини, халқимиз ҳақли равишда фахрланадиган ўзбек халқининг тинчлик, ҳамжихатлик ва фаровонликка бўлган абадий интилишини ифодалайди.

Байроғимиз ранглари халқимизга хос олижаноблик, поклик ва саховат ҳамда жасоратни ўзида мужассам этган. Ўзбекистон байроғи абадий ҳилпирасин!